

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 август кунини мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Р.Отунбоевни қабул қилди.

Сўхбатда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар ҳамда ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартномада белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ислам Каримов иқтисодий интеграцияни кучайтириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни

мамлакатлар билан йўлга қўйилаётган алоқалар, Ўзбекистон раҳбариятининг минтақада тинчликни қарор топтириш ва иқтисодий интеграцияни кучайтириш борасидаги сиёсати билан қизиқишди. Президент журналиларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди.

Маълумки, "Пари матч" журналининг Европа наشري

ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов билан музокаралар ўтказди. Учрашувда икки мамлакат ташқи ишлар вазирилари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан фикрлашув олинди.

Учрашув чоғида Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги фахруллоҳи ва мухтор элчиси С. Жигитов ҳозир бўлди.

(Ў.А.)

Вилоят ҳокимлигида

МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

ДУШАНБА кунини Тошкент вилояти ҳокимлигида вилоят ҳокими ҳузурдаги маслаҳат кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 февралдаги қарорига асосан иқтисодий ислохотларни тақомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) ҳўжаликлари ва хусусийлашган фермерлар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга доир қўшимча қарорларнинг бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Мажлисида вилоят ҳокими М. Б. Икромов олиб борди.

Мажлисида мазкур масалалар юзасидан вилоят ҳокимининг махсус қарорлари қабул қилинганини ҳаёт этилиб, унда иқтисодий

ислохотларни янада тақомиллаштириш, бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни тезда бартараф этиш, деҳқон (фермер) ҳўжаликлари, хусусийлаштирилган жамоалар фаолиятларини янада ривожлантириш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисида, шунингдек, вилоят ҳокими М. Б. Икромов Тошкент вилояти вакилларининг мусобақадош Самарқанд вилоятига сафари ва ундан олинган таассуротлар ҳақида сўзлаб берди. Қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, пахтачилик ва чорвачиликда ўзаро тажриба алмашувлар катта наф келтираётганини айтди.

Айниқса, ободонлаштириш ва қурилиш ишларининг бориши Тошкент вилояти вакилларини хушнуд этганини ва бундай илгор тажрибаларини Тошкент вилоятида ҳам қўлланши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИГА — ПУХТА ҲОЗИРЛИК

ВИЛОЯТ ҳокимлигида йилнинг 17 август кунини муҳокама қилиш мақсади билан пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун терим машиналарини барвақт пай қилиб қўйиш, мавжуд ишчи қурашнинг тўла сарфбар этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, йиғим-теримда иштирок этаётганларга меҳнат ҳақини ўз вақтида тўлаганини таъкидлади.

Йиғилишда туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, вилоят ва туман деҳқончилик саноати уюшмалари раҳбарлари, мутахассислари, ҳуқуқ ва тартиботни ҳимоя қилиш органлари бошлиқлари, пахта йиғим-терими масъулари билан боғлиқ ташкилотлар, идораларнинг мутасаддилари, ҳўжаликларнинг бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этдилар. Йиғилиши вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Э. М. Рўзиев олиб борди. Йиғилишда вилоят ҳокимининг қарори билан бу йилги мавсумда пахта йиғим-теримини ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича вилоят штаби тузилганлиги маълум қилинди.

Бундай штаблар барча туманларда ҳам ташкил этилиши айтилди. Муҳокама давомида пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун терим машиналарини барвақт пай қилиб қўйиш, мавжуд ишчи қурашнинг тўла сарфбар этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, йиғим-теримда иштирок этаётганларга меҳнат ҳақини ўз вақтида тўлаганини таъкидлади.

Пахта йиғим-терими билан боғлиқ барча таъғирлар тadbирларини қисқа муддатда ўтказишга келишиб олинди.

Йиғилишда, шунингдек,

Дунда байрамлар кўп. Мамлакатда ҳам байрамлар кўп. Бир турфаси борки, ийди умумий, яъни — сезинки ҳам, бизники ҳам.

Яна бир гап шуки, байрамни санадан фарқламоқ керак. Етмиш тўрт йил тугал саналарни санаб адогага етмадик. Юртимиз манглайга қуллик тамгаси урилган саналарни ҳам миямизга байрам дея тикширтдилар. Биз ҳам уларнинг байрам эканига ишондик. Ҳар йили еттинчи ноябрь кунини кўчаларни тўлдириб оқданимизга бутун ўзимизни ишонмай турибмиз.

Едингизда бўлса, аввалига Наврўз қайтиб келди. Наврўз учун курашда халқимизнинг истиқлолга ташналиги буй кўрсатди. Наврўз тикланиши — халқимиз шаъни ва шавкати тикланиши жарасида биринчи босқич бўлди. Шу сабаб, бу гўзал байрам биз учун ҳам баҳор ва ҳам озодлик учун курашиш тимсолига айланди.

Бор-йўғи уч йил ичида кўзқарашимиз бу қадар ўзгаради, деб ҳеч ўйламаган эдик. Бу ҳам — истиқлол шарофати. Истиқлол сабоқлари истиқлол нашидаси қадар зўр ва суръатлидир.

Диний байрамларнинг тикланиши ҳам миллий гуруҳ камолоти билан боғлиқ. Бугун ийди Рамазон ҳам, ийди ал Фитр ҳам истиқлолнинг узвий йўлдошлари каби идрок этилади.

Мустақиллик байрамнинг ахамияти нимада? Бундай савол шакколик бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Аммо шу хил савол мамлакат Президентининг тилида янграган масала моҳиятига чуқуროқ боқини тақозо этмайди.

Дарвоқе, Президент бу саволни янада ескинироқ қўйди: **Ўзбекистон мустақиллиги кимга ва нима учун керак?**

Албатта, истиқлолни иймон иши деб туюнган ҳар бир инсон кўнглида бу саволга муносиб жавоблар бор.

Аммо бу савол энг чиройли

жавобни топиш учун эмас, балки мустақиллик ва унинг муборак номини олган байрамнинг ахамиятини яна бир қарра баҳолаш учун айтилгани аниқ.

Президент таъкидладики, халқимиз бу муборак кунни неча асрлар давомида орзу этди, унинг бу орзу йўлида

сезган, онги ва иймони тугул, жисмининг ҳам ҳар бир ҳужайрасига сингирган инсонлар авлоди нафақат ўзи, балки келажақ авлодлар учун баркамол ҳаёт тузишга бел боғлайди.

Эл не деб тоғай менямки, мен ўзимни топмасам. Ҳазрати Навоий бу сўзларни худди миллатимизнинг бугунги кунини кўзлаб айтгандай. Унинг ед этилмиш сатри бугун ҳар биримизнинг умримиз шюрига айланса арзуголик. Озодлик боис, миллий

Бунинг учун замин бор. Замин шуки, улуг тарихимиз, чексиз маънавий меросимиз, моддий бойлигимиз, меҳнатдан қочмайдиган заҳматкаш халқимиз бор.

Буларнинг бариси бир-бирига зарб этилса, шундай қудратли омила айланадими, мўътабар заминимизда яшаётган фуқаролар ва уларнинг азиз фарзандлари учун муносиб ҳаёт яратиш мақсади табиий бир ҳол сифатида англанади.

Президент биздан мана шу оддий мақсад ва оддий

ҳақиқатни эслатиш даркор. Яна шуни англамоқ керакки, мустақиллик учун кураш, истиқлол кунига етиш ва уни байрам деб белгилаш билан тугаб қолмайди. Мустақиллик — ҳар кунлик меҳнат. Оғир, машаққатли ва шарофатли меҳнат. Истиқлол ўз мевасини бермоғи учун бизнинг саботимиз керак.

Мустақиллик байрамнинг ахамиятини сўз билан ифода этиш қийин. Уни барчамиз юрак билан ҳис этиб турибмиз. Мустақиллик байрами — биз учун ягона байрам. Энг миллий ва энг

ўзбекона байрам. Ҳар гал бу муқаддас байрам шарофати билан юртимиз жонланади, чирой очади, ораста бўлади. Бу байрам фуқарони фаолроқ ва фидойироқ бўлишга чорлайди, қийинчиликлардан қўчмасликка, эртанги фаровон кун шуқуҳини англаб етишга, керак бўлса, ўшал орқиқиб кутилаётган кунлар ҳаққи ҳурмати учун барча ҳузур-ҳаловатдан ҳам воз кешишга ўргатади.

Вақт — энг катта муаллим, деган бир ҳикмат бор. Озодликда кечирилган вақт сабоқлари эса янада буюкроқдир.

Истиқлол кунини — халқимизнинг қадимий тарихида янги фаслни, умидлар барқ уриб тулган фаслни бошлаб берди. Илло, бу фасл гунчалари беҳато очилажак. Биздан талаб этилаётган нарсаларнинг моҳияти ҳам оддий — жишлик, меҳрур оқибат ва меҳнат.

Президентимиз мустақиллик байрами арафасида бизга яна бир бор эслатган оддий ҳақиқатларнинг маъноси ҳам ана шунда.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ОДДИЙ ҲАҚИҚАТИ

чеккан жафолари беҳисоб. Қадриятлар топталди, удумлар мазаҳ этилди, миллий онг заҳарланди. Дўппи кийган, рўмол ўраган ўзбек зоти борки, масҳара қилинди, таъйиқ остига олинди.

Авваламбор, деди Президент, мустақиллик, бу — шу халқнинг, шу миллатнинг ўз тақдирини ўз қўлига олгани. Ўз урф-одатлари, удумларини тиклагани. Ўзига хос ва ўзига мос йўлни тутгани. Булар — оддий ҳақиқат. Буюк ҳақиқатлар шундай оддий бўлади. Буюк ҳақиқатлар турли чиройли сўзлар ва иборалар либосига бурканишга зор эмас.

Истиқлол, мустақиллик иймон иши деб туюнган ҳар бир инсон кўнглида бу саволга муносиб жавоблар бор.

Аммо бу савол энг чиройли

мафкура, миллий онг тунчалари қайтадан ва янгича шиддат билан жунбушга келди. Давлат, жамият, оила қадар барча ижтимоий қўламларга таъсир ўтказди. Мамлакат тараққиети одимларини белгиловчи мезонга айланди.

Миллий мафкура — шунчаки тор туюнча эмас. Жамият мақсади адолат этиб олинган экан, мафкурамиз маҳдудлик ва биқиликка рағбат бермайди. Мамлакат Президенти шу нуқтани алоҳида таъкидлаб айтдики, мана шу муқаддас заминда яшаётган, мана шу муқаддас заминини ўз Ватаним деб юракдан ҳис этган, шу ватан ўтмиши, бугуни ва келажагини ўйлаганда жони жизиллаб турган ҳар бир инсонга, унинг миллати ва маъҳабдан қатъи назар, муносиб ҳаёт қурмоқ керак.

Ҳақиқатни англашни талаб этмоқда. Бунга унинг маънавий ҳаққи бор. Негаки, унинг пешонасига ана шу гоёга жонни тикмоқ ёзилган. Масъулияти ҳам шунга яраша.

Ватанини ўзи каби севмоққа чорлаётган кишини мақташ, кўкларга кўтариш асло шарт эмас. Фуқародан талаб этилаётган вазифа ҳам жуذا оддий — меҳнат ва журъат бобида имкон қадар ҳамкор бўлиш.

Мустақиллик ҳақида гап кестаркан, баланшарвоз гаплар ва қуруқ маҳдудликни четта суриб, зикр этилмиш оддий ҳақиқатни янада оддий қилиб халқ онгига етказиш бугунги асосий вазифадир.

Тантанавор байрам ва жиддий сарфу харажатлар не учун керак, деб сўраган ҳар бир кишига ҳам ана шу оддий

Тошкент — Самарқанд: ҳамкорлик давом этади

КАТТА ФОЙДА БЕРГАН САФАР

Шу йилнинг 13—14 август кунлари Тошкент вилоятининг ўзаро текшириш гуруҳи вакиллари мусобақадош Самарқанд вилоятида бўлиб қайтидилар

ИЛГАРИ хабар берганимиздек, 11—12 август кунлари Самарқанд вилояти вакиллари Тошкент вилоятига ташриф буюриб, деҳқонларимиз, чорвадорларимиз амалга ошираётган ишлар, Тошкент вилояти халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ислохотларнинг қандай бораётганини билан танишиб, ўзларининг қимматли маслаҳатларини бериб қайтган эдилар.

13—14 август кунлари эса, Тошкент вилояти ҳокими М. Б. Икромов бошчилигидаги вилоятимиз вакиллари Самарқандга жавоб ташрифи билан бордилар.

Галинг очилини айтганда, бундай ўзаро текшириш гуруҳларининг сафарларинда, ишда кўп марта иштирок этишга тўғри келган. Илгарилари бундай ташрифлар тўғри танланганлиги бизни қандайдир расмий тус оларди. Аммо бу галги алоқаларнинг мазмун моҳияти янгича бўлгани, унинг мақсади гоёта тўғри танланганлиги бизни қандайдир расмий тус оларди. Аммо бу галги алоқаларнинг мазмун моҳияти янгича бўлгани, унинг мақсади гоёта тўғри танланганлиги бизни қандайдир расмий тус оларди.

Мехри ОЛИМКУЛОВА,
Ў.А. мухбири.

турбиди. Зеро, ҳар икки томон вакиллари ҳам мусобақадошларидан ниманидир олишга, ютуқларни ўтқоқлашиш, камчиликларини кўрсатибгина қолмай, уни бартараф этиш йўлини биргаликда излашга ҳаракат қилдилар.

Шунинг учун ҳам вилоятимиз вакиллари Самарқандга қилган ушбу сафарини еритишда одатдагидан бошқачароқ ёндашишга ҳаракат қилдик.

Иккинчидан, республикада Тошкент вилоятида зулмчилик, сабзавотчилик, мевачилик соҳасида орттирилган тажрибалар ҳамма учун жуذا зарурдир. Бугунги кунда Самарқанд вилояти қарийб 200 минг тонна узум етиштирмоқда. Булуғур, Самарқанд, Тойлоқ туманлари тўлиқ мевачилик-иқтисослаштирилган. Агар Ҳ тошкентлик уста боғбонлар тажрибаларини ўр қўлласақ бу соҳада илгор ютуқлар билан дунда умидларимиз асради. Илгор ютуқлар билан дунда умидларимиз асради. Илгор ютуқлар билан дунда умидларимиз асради.

ЎЗБЕКISTON — ВАТАНИМ МАНИМ

Берта ДАВИДОВА:

МЕНИ ЎЗБЕК САҲНАСИ ДУНЁГА ТАНИТДИ

— Берта опа, биз ўзбекларда бир-бирини байрам олдидан йўлдаш олати бор. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллик байрамини сановли кунлар қолди, шу муносибат билан мухлисларингизга икки оғиз дил сўзларини айтсангиз.

Мен ўзбек ерида туғилдим, ўзбеклар орасида воёга етдим ва ўзбек саҳнасида бахтимни топдим. Шу халқ, шу миллатнинг дарди не бўлса, меннинг дардим шул. Худди кечагидек эсимда: Юнус Раҳимий раҳматли, бир кунини репетиция пайтида, Бертахон, бу синасатбозлик деб мақом санъатида пугтур етмасе, деб кўнглим доим гашланади, дегандилар... қаранг, шундай еруғ замон келди, Ўзбекистон

мустақил давлат бўлди. Бугун у ўз қадриятларига, ўз тилига эга Ватан. Уткинчи қийинчиликлардан қўчмаслик керак, бу фоний дунда нималар ўтмайди.

Кирқ йил элга, мана шу Ватанга хизмат қилиб, олқишга, хурматга сазовор бўлдим. Ушл пайтлар ҳам, ҳозир ҳам ўзбек тупроқдан ўз тупроқни орзу қилмадим. Шўро замонида хоржита чиқиш деган тиллар йўқ эди. Мустақиллик шарофати билан алоқалар йўлга қўйилди, бизлар ҳам четга чиқадиغان бўлдик. Шунча йиллик умрим давомида хорж нима билмагандим. Утган йили Канадада бўлдим. "Муножот"ни ўша ерда ҳам билишаркан.

Бертахоним келибди, деб ҳамма ўзбеклар йиғилишиб, "Муножот"ни айтиб беришни илтимос қиларди. Айтдим, ажиб бир хис билан қуйладим... Хоржидан жудолликка яшай олмайдим... Юртини қўмсаб, албатта. Мен йилламан, нега. Тошкентни, она юртимни, унинг меҳнаткаш, оқ кўнгли одамларини соғиниб, Қўшиқ тугатач, кутлмаган таклиф бўлди. Уша Канадала истиқомат қиладиган ўзбеклар: "Бертахон, шу ерда қолинг, бизнинг қизларимизга мақом санъатини ўргатасиз, устозлик қилинг, сиз хоҳлаган жойдадан ўли, хоҳлаган машина сезинки бўлади" дейишди. Мен кудлим. Бир зум ўтгач, жавобим қуйидагича бўлди: "Сизларга раҳмат, лекин мен Ўзбекистонда туғилдим, мени ўзбек саҳнаси, ўзбек санъати Бертахоним қилиб, дунёга танитган экан, мен бу заминдан, она юртимдан, халқимдан жудолликка яшай олмайдим..."

(Давоми 2-бека эйтирози)

Кутлаймиз

ТАБИАТИМИЗ ЖОНКУЯРИ



Чара Ивановна Перепелицини табиатимизнинг тоғмас жонкуяри, деб бежиз аташмайди. Юзидан дам табассум армайди, юмшоқ табияти, яхши сўзбодш бу аслининг вилоти табиати

муҳофаза қилиш қўмитасининг матбуот марказида ишлатгани учунгина шундай дейишмайди. У қарда — саноат корхоналарида, қурилиш майдонларида, поени йўқ экинзор боларда бўлишдан қатъий назар табиатимизнинг мусарфо бўлиши учун жон куйдиради, шунинг тарғиб қилади, бу масалада тўғри сўзни айтишдан қайтмайди.

Ҳар гал табиатимизга ҳам қуруқ келмайди. Табиати муҳофаза қилиш, унинг ҳайвонот ва ўсимлик дунесини авайлаб-асраш, ҳамма жойда — шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам экологик ҳолатни яхшилаш билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларта мақола, хабарлар олиб келади. Газетамизда «Табиат ва инсон» саҳифаларининг мунтазам бериб борилишида Чара Ивановнанинг хизматлари катта эканлигини мамнуният билан қайд

қилмоқчимиз. Унинг ўзи шу саҳифани тайёрлашда фаол қатнашди, мақолалар уштиради. Бу билан саҳифаларнинг мазмунини, газетчилар учун қизиқарли чиқишига, материалларнинг турли-туман бўлишига ҳисса қўшади.

Ч. Перепелицини каби кишилар таҳририятимизнинг таянчлари, ақин қўмақдошлари, беиннат ердмчилари ҳисобланади. Уларнинг энг фаолларидан бири бўлган Ч. Перепелицини таваллуд топганига олти йил тўлиши муносабати билан қизгин табриклар экамиз. Чара Ивановна бундан бун ҳам гузал ва бетакрор табиатимиз, унинг бебаҳо нъматларини — давоси, суви, тупроғи, ўрмони яйловлари мусарфо, тоза ва беҳиссон сақланиши жонкуярлари сафида бўлишига, бу муҳим иш билан боғлиқ бўлган масалаларга оид мақола хабарлари билан газета саҳифаларида янада фаол қатнашишига ишонч билдирамиз, айни вақтда, ўзинга сийҳат-саломатлик тилаймиз

М. МИРҲАМИДОВ «Тошкент ҳақиқати»нинг бўлмиш мудири, вилоти табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг штабсэки ходими.

Шифокор огоҳлантиради

БЎГМА ХАСТАЛИГИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

МА МЛАКАТИМИЗДА халқ моддий-маънавий фаровонлигининг ўсиши, соғлиқни сақлаш масалалари томондан касалликларнинг олдини олиш бўйича катта ишлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, бу хасталик билан ҳозирги пайтда фақат болалар эмас, катталар ҳам касалланапти. Бўгма хасталиги учун инфекция, яъни юқум манбаи бўлиб касал бола ёки ундан тузалиб келмаган бемор, шунингдек, ўзи соғ бўлса ҳам тана аъзолари юқумни (микробларни) олиб юрчи болалар ҳисобланади. Бундай гуруҳ одамлар юқум ташиб юрүвларини дейилади. Бўгма хасталигида юқум, яъни микроб турлида, халқимиз ва бошқа юқум нафас йўлларида тарқайди. Бемор гаплаганда, йўталганда ва аса урғанда юқум сулак ва балғам зарралари билан ҳавога тарқайди ва ундан соғлом бола касалланиши мумкин. Бу хасталик бемор тугган бола, чошаб, уйқочлар, идиш-товоқ, сочиқ ҳамда беморга қараб турган ёки у билан бирга бўлган одамлар орқали ҳам юқини мумкин. Касалликнинг тарқалишига кўп жиҳатдан беморларга қарайдиган катта ёш одамларнинг шахсий гигиена қондаларига риоя қилинмаслиги, уларнинг кўларини совутиб юмаслиги ва иккиб тутмаслиги, халат киймаслиги каби ҳолатлар сабаб бўлади.

Бўгма хасталигида кўпчилик болаларнинг томоғи, бурни, хикилдоғи жараҳатланади. Шунга биноан касалликнинг кўпчилиги турлари тафовут қилинади: Томоқ дифтериси. Бунда бўгмага хос бўлган қараш парда беморнинг бодочма баллари, томоқ роқовлари ва лак-лук шиллик пардаларини қоплаб олади. Беморнинг тана ҳарорати кўтарилади, томоғи шишади, оғиздан галати чумчал хид келиб туради. Бола қаяд қилиши мумкин, у бесаржомча ва куваэтиз бўлади, томоғида оғриқ сезади. Бурун дифтериси. Хасталикнинг бу турнда буруннинг кўпчилик бир томонда шиллик пардаси шишади, ундан шилмишқ ёки йиринг аралаш ажралмалар оқади. Булар ўз навбатида бурун тешиги атрофидан ва лаб терисини тасирлантиради ва яра-чаққал пайдо бўлади. Наматжда бурундан нафас олиш қийинлашади, она кўрагини эмлашда оғриқ сезади. Ҳқиқидоқ дифтериси. Хасталикнинг бу турнда болаларда бўғилиш (куп) ҳолатлари намоён бўлади. Чунки, ҳқиқидоқ қараш парда билан қопланади, у ернинг яллиғланиши ва шиллик пардаларини шишиши натижасида бола бўғилади. Бунда касаллик аста-секин ривожланади, олдин бемор енгил йўталди, тана ҳарорати кўтарилади. Касалликнинг 2-3-кун бемор ит вазулаш тарзида бўлади. Унинг нафас олиши оғирлашиб, бўғилади. Бундай пайтда беморга тезлик билан тиббий ёрдам бериш жуда муҳимдир. Оилада бу касаллик борлигига салгина бўлсада шубҳа тутилганда дарҳол шифокорга хабар бериш ва у келганига қадар беморни соғлом болалардан ажратиб қўйиш лозим. Бу касалликка қарши курашда болаларни эмлаш катта аҳамият касб этади. Бу борада ҳар бир ота-она эмлаш орқали бола организмда бўгма хасталигини ўзига юқтирмайлиги ҳусусиятини, яъни иммунитет пайдо қилишини билб қўйганлари яхши.

Б. РАСУЛОВ, тиббиёт фахрлари номзоди, доцент.

ЛАВРА БАРГИНИНГ ҲОСИЯТИ

ҲАММАМИЗГА маълумки, лавра барги ва меваси хушбўй, хуштам бўлиб, пазандачиликда, озиқ-овқат саноатидagina ишлатилади, табобат соҳасида ҳам айрим касалликларга қалнинган беморларни даволашда қўл келади. Бу ўсимликдан қадимги Грек мифологиясида гулчамбарларни беъзада шон-шухрат ва ғалаба рамзи сифатида ҳам фойдаланиб келинган. Унинг асосий ватани Урта ер дегизли соҳиллари ҳисобланади. Табобат илмининг отаси Абу Али ибн Сино ва машҳур олимлар Гиппократ, Галенлар ҳам лавра барги ва ҳосилдан тиббиёт соҳасида кўпгина касалликларни даволашда фойдаланганлар. Урта аср тиббиётида йўталга қарши ва яра-чаққаларга қалнинган беморларни даволашда лавра барги димламадан қўлланилган. Ҳозирги замон тиббиёт фани бу ноев ўсимликнинг шифобахш ҳусусиятларини илмий жиҳатдан тан олиб, амалиётда табобат масалаларида кенг қўлданда ишлатилмоқда. Маълумки, ўсимликнинг таркибига турли хил витаминлар, оксил, ёқилми хид таратадиган эфир мойлари, фосфор, темир, кальций каби тузалар ва бошқа биологик актив моддалар мавжуд. Лавра барги ўз танасида 3 фозитга жуда мураккаб эфир мойини сақлайди. Унда сирка, валежник, капрон кислоталари, крахмал, кант, шилмишқ, дубил, аччиқ ва минерал моддалар мумжасамлашган. Унинг мевасида лавра хиди келадиган жуда фойдали ёғли мой ҳам мавжуд. Мевадан олинандиган ёғ ва эфир мойларидан маҳкам дорилар тайёрланб пажаб, бод, мускуллар ял-

лиғланишида, бўғим ва радикулит касалликларига ишлатилади. Бу маҳкам дорини уй шароитида ҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун ўсимликнинг мевали япроқларини майдалаб кесиб, 200 грамм кунгабоқар ёғида опти кун димлама ҳолда сақланади, кейин сиқиб олиниб тиндирилади ва оғриқ бор ерларга суртилади. Шунингдек, ўсимликнинг барги ва уругини майдалаб, толқон қолитга келтириб тўғиз мой билан аралаштириб маҳкам тайёрланади. Бу суртма кўтр ва бошдаги билларни йўқ қилишда яхши наф береди. Яна шу нарса маълумки, қондаги қанд моддасини камайтириш учун 10-15 минут лавра баргини уч пилла қайнатилган сувда 2-3 соат давлб тиндирилади ва яри пиёладан уч маҳал ичилади. Ўсимликнинг хушбўй баргидан тайёрланган препарат яллиғланишнинг олдини олиш, қон кетишини тўхтатуви ва микробларга қирон келтирувчи ҳусусиятлари билан ҳам кўпгина доривор ўсимликлардан фарқ қилар экан. Абу Али ибн Сино шифобахш ўсимликларнинг аjoyиб хоссаларини қайд этиш билан бир қаторда улардан меварида истеъмол этиш кераклигини ҳам таъкидлайди. Чунки, унинг фойдали, ҳар бир ўсимликнинг фойдали томонлари билан бирга маълум даражада зарарли жиҳатлари ҳам бўлади. Шунинг учун бирон ўсимликдан дори сифатида фойдаланишдан олдин, албатта, шифокор билан маслаҳатлашиш керак. Ҳ. ХУҲАЕВ, Тошкент вилоти саломатлик маркази шифокори.

Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги олдида

ФАШИСТЛАР Германияси устидан ғалаба қозонишда тўпчилар, разведкачилар ва автоматчилар кўшган ҳисса салмоқли бўди. Тўпчилар ҳужум жангларини бошлаш учун йўл очиб берган бўлиши, душман ҳақида тўла маълумотга эга бўлиш имкониятини яратиб беришган, автоматчилар эса гитлерчиларга қирон келтиришган. Фронта Уртаирчиқ районидан йўл олган Жалол Жабборов, Халдан Харманов ва Гаффор Иброҳимовлар ана шундай мард ва жасур жангчилар эди. Қўнгда улар жасорати ҳақида аниқ маълумотлар келтирилади. ЖАЛОЛ ЖАББОРОВ 1919 йилда туғилган, ҳарбий хизматга йўл олганга қадар райондаги Корасув кишлоқ Советида истикомат қилган. Кичик лейтенант, фронда 252-ўқчи дивизия таркибидagi 110-алоҳида ўзюрар тўплар дивизионида ўзюрар тўп командири сифатида жанг қилган. У Венгриянинг Сечексфехервар шаҳридан 2 километр жанубда Ангар аҳоли пункти яқинида юриш қийин бўлган шароитда ўзи юрар тўпиди душманинн зима-из қувиб, дадил олга силжиб борди. Йўл-ўлкай тўпдан ўт очиб, пидаларимизнинг ҳужумини давом эттиришлари учун имконият яратиб берди. Олга силжиш давомида душманини 1 та тўпини, 3 та станокли пулеметини ҳамда 14 соддат ва офицериин жксон қилди. Дивизия командири 1944 йил 27 декабрдаги 047/Н номерли буйруғига мувофиқ Жалол Жабборовни «Жасуриги учун» медали билан мукофотлади. 1944 йил 24 декабрь кунн душман Имре аҳоли пункти яқинида пидалар ва 10 га яқин танк кучи билан қарши ҳужумга ўтди. Хал килувчи паллада ўзюрар тўп командири Жабборов яширинча ҳаракат қилиб, кўриб отиш

позициясидан ўт очди ва душманини 4 танки билан жанг бошлади. Жанг натижасида фашистларнинг «Т-4» танки ендириб юборилди, коланлари орқага қайтишга мажбур бўлишди. Шунинг натижасида пидаларимиз 4 километр олга силжиш имкониятига эга бўлдлар. Жабборова шу жан да душман снаряди парчаси келиб тегиб, мардларча ҳалок бўлди. 135-ўқчи корпус командирининг вазифани бажаришига имконият яратиб берди. 25-ўқчи корпус командири 1945 йил 13 майдаги 068/Н номерли буйруғига биноан Халдан Хармановни II даражали Ватан уруши ордени билан мукофотлади. ГАФФОР ИБРОХИМОВ 1924 йилда туғилган, фронга жунагунга қадар райондаги «Қизил кўшин» колхозида яшаган 76-ўқчи дивизиянинг 216-ўқчи полки таркибидagi автоматчилар ротасида, автоматчи сифатида жанг қилган. Душман траншеясига биринчи бўлиб бостириб борди, мардлик намунасини кўрсатиб, 2 гитлерчи гумдон қилди. Полк командирининг 1944 йил 13 июлдаги 018/Н номерли буйруғига мувофиқ Гаффор Иброҳимов «Жасуриги учун» медали билан мукофотланди. Гарбий Буг даресидан, душман пулеметдан жон жад билан ўт очиб турганлигига қарамай, тез ўтиб олди ва гарбий киргоқда автоматдан ўт очиб 2 фашистини жаҳаннамга жўнатди. Полк командири 1944 йил 18 августдаги 024/Н номерли буйруғига биноан Гаффор Иброҳимовни «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотлади. Иброҳимов Дойч-Крона шахри яқинидаги душман мудофаа истеҳкомини ериб ўтиш ва темир йўл станциясини ишғол қилиш учун жанг қилган. 1945 йил II февраль кунн гитлерчилар ўрнатиб олган подвалга биринчи бўлиб бостириб кирди ва гранаталар иргитиб, 8 фашистини жксон қилди. 3 душманин шу жумладан бир офицериин асир қилиб олди. Дивизия командири 1945 йил 6 мартдаги 020/Н номерли буйруғига асосан Гаффор Иброҳимовни III даражали Шухрат ордени билан мукофотлади.

буйруғига мувофиқ Халдан Хармановни Кизил Юлдуз ордени билан мукофотлади. Харманов 15 апрель кунн Одер даресининг гарбий киргоғида Бранденбург провинциясининг Жессен қишлоғидан 1,5 километр жанубий гарбий томонда ўқи рота билан ҳамкорликда жанг билан разведка ўтказилганда ўзининг довурак ва жасур разведкачи эканлигини кўрсатди. Душман жонжад билан ўт очиб турганлигига қарамай, ўз баҳодирлиги билан разведкачиларни руҳлантириб, қўлда гранаталар билан душманини бўлиналаримизнинг олга силжишларига тўсқинлик қилаётган енгил пулемети томон суртилиб борди ва гранаталар иргитди. Пулеметни расети билан бирга жксон қилиб бўлиналаримиз олга силжиши ва қўйилган

ТЎПЧИ, РАЗВЕДКАЧИ ВА АВТОМАТЧИ ЖАСОРАТИ

1945 йил 5 январдаги 01/Н номерли буйруғига биноан ҳалок бўлгандан кейин II даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланди. ХАЛДАН ХАРМАНОВ 1925 йилда туғилган. Қизил Армия сафига қақрилуғига қадар райондаги Қизил Навой кишлоқ советида истикомат қилган. Ефрейтор, 4-ўқи дивизиянинг 101-ўқчи полки таркибидagi пиде разведкачилар взводида разведкачи сифатида жанг қилган. У Одер дареси яқинидаги Франкфурт шахри бугасида олиб борилган жангларда ўзининг дадил ва жасур жангчи эканлигини кўрсатди. 1945 йил 5 февраль кунн душман қарши ҳужумини қайтаришда иштирок этди, қарши ҳужумга ўтиб, ўз шахсий ибрати, мардлиги ва жасуриги билан

буйруғига мувофиқ Халдан Хармановни Кизил Юлдуз ордени билан мукофотлади. Харманов 15 апрель кунн Одер даресининг гарбий киргоғида Бранденбург провинциясининг Жессен қишлоғидан 1,5 километр жанубий гарбий томонда ўқи рота билан ҳамкорликда жанг билан разведка ўтказилганда ўзининг довурак ва жасур разведкачи эканлигини кўрсатди. Душман жонжад билан ўт очиб турганлигига қарамай, ўз баҳодирлиги билан разведкачиларни руҳлантириб, қўлда гранаталар билан душманини бўлиналаримизнинг олга силжишларига тўсқинлик қилаётган енгил пулемети томон суртилиб борди ва гранаталар иргитди. Пулеметни расети билан бирга жксон қилиб бўлиналаримиз олга силжиши ва қўйилган

Мажди САМАДОВ, уруш фахрийси.

УЙ БЕКАЛАРИГА МАСЛАҲАТЛАР

- САБЗАВОТ ва кўкат қайнатилаётган сувга бир чимдим ош содаси (тахминан 1 килограмм сабзаовтга ярим ошшоқим) солинса ранги сақланиб туради.
• ЛИМОН хиди гуркираб чқисин учун устидан қайноқ сув кўйиб юбориш керак.
• КОФЕНИ қайнатишдан олдин бироз қиздириб, бир неча бўлак ош тузи увоғи қўшилса, унинг хушбўйлиги ортади.
• ЭНГОҒ мағзини торт ёки пирожинга қўшишдан олдин бироз дувоҳа патнисида қовуриб олинса курсилдоқ ва янада тотли бўлади.
• АГАР қозоғе эрон ёки каструльнинг четига ёғ суртиб қўйсангиз, сурт тошиб кетмайди.
• СУТ тез қайнасин десангиз унга бир-икки қаққоқ қанд қўшинг.
• КАРТОШКАНИ пўсти билан қайнатмоқчи бўлсангиз, уни бир неча жойидан тешиб қўйинг, шунда уваланиб кетмайди.
• ТУЗЛИҚА бир-икки дона гуруч ёки бир неча бўлак босма қозоғ солиб қўйсангиз у намланишдан ва қотиб қолишдан сақлайди.
• ҚАЙНАТИЛГАН товқини шўравадан қайта, тузалб бошқа идишга солиб, устига сочиқ ёпиб қўйсангиз жуда хушрўк бўлади.
• МУЗХОНАДАН гўшт олганингда Батамом эримлағунча овқатга солманг.
• ГЎШТНИ овқатга мослаб бўлакларини гичча тузламанг, суви қочиб қолади.
Тўпловчи Ш. АБДУАЗИМОВА.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ ОЛДИДАН СПОРТ ҲАМ САНЪАТ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги кунинда Мустақиллик майдонинда бўладиган концерт рангбаранглиги билан барчаннинг хотирасида узоқ сақланиб қолиши шубҳасиз. Республикаси санъати барча қирралари билан намоён бўладиган бу концертга етув ва еш спортчилар ҳам иштирок этади. Режиссерлар, спорт мураббийлари, хореографлар, оммавий томошлар уюштирувчи бадий раҳбарлар бу байрамнинг ниҳоятда ерқин бўлиши учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бу кутлуғ ишдан меҳнат жамоялари ҳам четда қолмапти. Масалан, Тошкентдаги «Малка» акционерлик жамияти байрамда иштирок этадиган болаларга атаб юзта оқ майка билан шорти, қизлар учун эса 60 жуфт махсус либос тикиб берди. Байрам буюртмасининг барчаси қисқа муддатда, сифатли бажарилди.

Б. МАНСУРОВ, ЎЗА мухбири.

Мухарррр ўринбосари Р. УМАРОВ

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

Тошкент чинни буюмлар заводи мамлакатимиз мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб 25 турда янги маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. «Тинчлик», «Оқ кабурут», «Пахта», «Тонг», «Нафсат» каби чойнак — пиела, қахва идишлари, кўза, лаган ҳамда совгабо хайкалчалар шулар жумласидандир. Байрам туҳфаларини корхонанинг қўлули расмолари Гафрат Дамилов, Анвар Нўмонов, бадий лаборатория бошлиғи Равшаной Мавлонова яратди. ҲА мухбири.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ 10-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1994-1995 ўқув йилига кўнгдаги мутахассислар бўнча ўқувчилар қабул қиладн Якка буюртмалар тикувчи-бичқчилар 1-3 йил. Кенг итхисосли сартарошлар 1 йил. Ошлоз қандолчатлар 1-3 йил. Музлатгичлар тузатиш усталари 3 йил. БИЛИМ ЮРТИГА 9-11 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ЁШЛИ ВА УНДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9-синф маълумотига эга бўлганлар бепул овқат, кийим-бош, 100 сўм нафақа билан таъминланадилар. 11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар ойига 320-405 сўм-нафақа билан таъминланадилар. Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, кўнгдаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, соғлиги ҳақидаги маълумотнома, турар жойидан маълумотнома, ота-онасининг иш жойидан маълумотнома, 6 дона фотосурат (3х4 см.). Билим юртининг манзилгоҳи: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, «Қора-Қамиш-1/4-даҳаси», 20-уй (42)43 автобуслар, 27-трамвайнинг «Мактаб»:82-автобус, 10, 21, 23-троллейбусларнинг «Қора-Қамиш»-1/4-бекатлари. Масъулияти чекланган «Лола» жамиятининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ Ўзбекистон энергетикасининг энг йирик электр станцияси — ТОШКЕНТ ДТЭСИ кўнгдаги мутахассисларни ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ: қозон ва турбина ускуналари таъмирлайдиган чилангар 500 — 800 сўм, тоқарь-дастгоҳчи 400 — 750 сўм, оловбардошчи 470 — 850 сўм, электр газ пайвандчилар 470 — 850 сўм, энергоблок машинисти 860 — 1000 сўм, энергоблок катта машинисти 900 — 1200 сўм, қозон ва турбина ускуналарининг машинист назоратчиси 800 — 950 сўм, автоматика ускуналарига хизмат кўрсатувчи ва уларни таъмирловчи электр чилангарлар 470 — 850 сўм, дурадгорлар 430 — 700 сўм, мазут қонувчилар 600 — 700 сўм, электр монтерлар 500 — 800 сўм, электр чилангарлар 500 — 800 сўм. Махсус маълумоти ва мутахассислиги бўлмаган шахслар 2 ойлик муддат давомида бевосита ишлаб чиқаришда, замонавий тренажердан фойдаланган ҳолда тайёрланиш шартн билан 300 сўм маош билан ишга қабул қилинади.

«Тошкент ҳақиқати» Муассис: Тошкент вилоти ҳокимлиги

БИЗНИНГ МАНЗИЛ: 700000, Тошкент, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОН: хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 334-048

Рўйхатдан ўтиш тартиби N 8. Буюртма Г—1089. 18780 нусxada тасқид, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз чирма А—2

• Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади. • Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. • Фойдаланилмаган мақолаларга эзма жавоб қайтарилмайди.